

1,6 граммлик Қуръон ва 6 млн. китоб фондига эга кутубхона



09:30 / 19.12.2018 3758

Инсон қўли билан яратилганига ишониш қийин бўлган 1,6 граммлик муқаддас Қуръон нусхаларидан бири Тожикистон миллий кутубхонасида сақланади. Узунлиги 1,8 см, эни 1,2 см бўлган дунёдаги энг кичик Қуръон нусхаси 292 бетдан иборат бўлиб, унинг ҳар бирида 12 қатор матн жойлашган ва охири бетида 10 та юмалоқ муҳр босилган. Китоб XX асрнинг бошларида Қозон шаҳрида чоп этилган.

Image not found or type unknown



Кутубхонада, шунингдек XVI асрда чоп этилган бошида иккита ва охириги
варағи тилла суви югуртирилган Қуръонни, умумий ҳисобда 15 та илоҳий
китоб қўлёзмаларини, Фирдавсий Шохномасининг асл нусхасини кўриш
мумкин. Кутубхона бугун 6 млн. китоб фондига эга.

Image not found or type unknown



*Наргиз Қосимова, журналист,
Тошкент - Душанбе - Тошкент*